



Кишининг жамоат билан ўқиган намози уйда ва бозорда ўқиган намозидан йигирма қанча миқдор кўпроқдир

Абу Ҳурайра разияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Кишининг жамоат билан ўқиган намози уйда ва бозорда ўқиган намозидан йигирма қанча миқдор кўпроқдир. Агар ана шу киши таҳоратини чиройли қилиб, масжидга фақат намоз ўқишни ният қилиб чиқса, масжидга киргунига қадар ҳар бир қадамига даражалари кўтарилиб, хатолари ўчирилади. Масжидга киргач уни фақат намоз ушлаб турган бўлса, намоз ўқиган ерида таҳоратини бузмасдан, бировга озор бермай ўтирар экан, у намозда деб ҳисобланади ва фаришталар унга салавот айтиб турушади. Фаришталар: «Аллоҳим уни раҳмат эт, мағфират қил, тавбасини қабул айла», деб айтишади.

[Саҳиҳ] [Муттафақун алайҳ]

Набий соллаллоҳу алайҳи ва саллам кишининг жамоат билан ўқиган намози уйда ёки бозорида ўқиган намозидан йигирма қанча миқдор кўпроқ эканини хабар бермоқдалар. Сўнгра бу нарсанинг сабабини зикр қилдилар: Бир киши чиройли қилиб яхшилаб таҳорат олса, сўнгра масжидга фақатгина намоз учун чиқса, ҳар бир қадамига даражалари кўтарилиб, хатолари ўчирилади. Агар масжидга кирса ва намозни кутиб ўтирса, намоз ўқиябди деган ажр олиб туради ва намоз ўқиган ўрнида таҳоратини бузмай ҳамда фаришталар ва одамларга азият бермай ўтирса, фаришталар унинг ҳаққига дуо қилиб: «Аллоҳим уни мағфират айла, раҳмат эт ва тавбасини қабул қил», – деб турадилар.

<https://sunnah.global/hadeeth/uz/show/4566>

